

**Абдусаломова Истора Илхом қизи,
Кадрлар малакасини ошириш ва
статистик тадқиқотлар институти
таянч докторанти**

ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҲИСОБОТЛАРИНИ ЭЛЕКТРОН ШАКЛДА ТОПШИРИШДА ИЛҒОР АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН АХБОРОТ ТИЗИМИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ

Ушбу мақолада статистика фаолиятини замонавий ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) асосида тартибга солиши ва улардан унумли фойдаланиш, ушбу фаолиятнинг ахборот тизимини шакллантиришда статистик маълумотлар банки ва базаларини қуриши ҳамда уларнинг самараодорлигини баҳолаш усулларини такомиллаштириши масалалари кўриб чиқилган

В статье рассматриваются вопросы регулирования и эффективного использования статистической деятельности на основе современных ИКТ, построения статистических баз данных и баз данных при формировании информационных систем этой деятельности и совершенствовании методов оценки их эффективности.

The article deals with the issues of regulation and effective use of statistical activities based on modern ICT, the construction of statistical databases and databases in the formation of information systems for this activity and the improvement of methods for assessing their effectiveness.

Бугунги кунда рақамли иқтисодиёт жаҳон иқтисодиётининг кўпгина жабҳаларини қамраб олган бўлиб, савдо, энергетика, транспорт, молия, таълим, нашриёт, оммавий ахборот воситалари ёки соғлиқни сақлаш каби турли соҳаларга ўз таъсирини кўрсатмоқда. Замонавий жамиятда рақамли технологияларнинг ривожланганлик даражаси мамлакат иқтисодий тараққиёти ва рақобатбардошлигини белгилаб берувчи асосий омиллардан бири ҳисобланмоқда.

Бу борада мамлакатимизда ҳам рақамли иқтисодиётга ўтиш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш масалалари иқтисодий ўсишнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи сифатида кўрилмоқда. Жумладан, “Рақамли Ўзбекистон - 2030” стратегияси ҳамда уни амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси”, 2020-2022 йилларда ҳудуд ва тармоқларни рақамли трансформация қилиш дастурларининг тасдиқланиши, ушбу масаланинг мамлакат ижтимоий-иктисодий ҳаёти учун нақадар муҳим ва долзарб эканлигини яққол кўрсатиб беради.

Ҳозирги кунда статистика соҳасида рақамлаштириш технологияларини кенг жорий қилиш ва улар асосида шаффоф, тезкор ва объектив бирламчи статистик маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш масалалари долзарб бўлиб турибди. Ахборот-коммуникация технологиялари ва ахборот технологияларини статистик қузатувларнинг барча босқичларига жорий қилиш ва улар асосида уларни юқори сифат даражасида ташкил қилиш талаб қилинмоқда.

Шу боис ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 августдаги ПҚ-4796-сон қарори билан тасдиқланган “2020-2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси статистикасини ривожлантиришнинг миллий стратегиясини амалга ошириш бўйича йўл харитаси”нинг 71-бандига мувофиқ Давлат статистика қўмитаси ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига юклатилган вазифалардан келиб чиқсан ҳолда, 2020-2021 йилларда АКТ соҳасидаги статистикани янада такомиллаштириш ишлари олиб борилади.

Ахборот коммуникация технологияларини Давлат статистика қўмитасида қўллашнинг асосий йўналишлари куйидагилардан иборат:

- замонавий АКТ, автоматлаштирилган тизимлар ва янги методикаларни қўллаш асосида статистик ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш ва тақдим этишга кетадиган харажатларни қисқартириш;
- давлат органлари ўртасида ахборотлар алмашуви жараёнларига кенг кўламда кириб боришни амалга ошириш ва келажакда электрон хукumat тамойилларига тўлиқ ўтиш;
- давлат бошқарув органлари томонидан асосланган бошқарув қарорларини қабул қилишлари учун керак бўлган статистик ахборотларга бўлган талабларни максимал қондириш;
- тизим доирасида ягона электрон ахборотлар маконини яратиш.

Статистика фаолиятига АКТни жорий этиш йўналишлари эса қуйидагилардир:

1. Кўмитанинг электрон хужжат айланиши тизими.
2. Давлат статистика хисоботларини электрон шаклда топширишнинг автоматлаштирилган eStat 4.0 тизими.
3. Корхона ва ташкилотларнинг ягона давлат регистрини бошқариш тизими.
4. Давлат интерактив хизматлари.
5. Кўмитада ахборот коммуникация технологияларидан самарали фойдаланишнинг истиқболли йўналишлари.

Электрон хужжат айланиши тизими – қўмитанинг ахборот инфратузилмасини бошқариш самарадорлигини юксалтиришга йўналтирилгандир. Ушбу тизим кираётган, чиқаётган ва ички хужжатларни рўйхатга олиш, қайта ишлаш, тайёрлаш, келишиш, сақлаш ва ҳисобга олиш билан боғлиқ бўлган хизматчиларнин гфаолиятини автоматлаштирилишин итаъминлайди ҳамда ижро интизомини назоратга олишни таъминлайди.

Давлат статистика қўмитаси ҳузуридаги Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институтининг “Ўзбекистон статистика ахборотномаси” илмий электрон журнали. 2021 йил, 1-сон

Электрон ҳужжат айланиши тизими қўмитанинг Марказий аппарати ва ҳудудий бошқармаларини бирлаштирган ягона ахборот майдонида ишлайди.

The screenshot displays the Stat.Doc web interface. At the top, there's a header bar with icons for back, forward, search, and other navigation. The title 'STAT.DOC' is visible along with a user icon and the text 'Хушнабод!'. On the right side of the header, there are several small icons and the word 'Чириш'.

Фуркар мурожаатлари

	1	Инъозатсан
	8	48 соат
	51	Очижатар
	4116	Ёйтсанар
	4167	Жами

Барча хатлар

	36	48 соат
	175	Очижатар
	23026	Ёйтсанар
	37423	Жами

Менинг хатларим

	214	Янгаш
	4	48 соат
	21	Очижатар
	1232	Ёйтсанар
	4853	Жами

Кирүвчи хатлар

	Нурий
	Юри ташлот
	Халиро
	Фурдо мурожаати

Хатлар статистики

Ёйтсанар бўйича

Категория бўйича

Назарумот

1-расм. Stat.Doc - электрон ҳужжат айланиши тизими Web платформаси
Манба:: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

Таъкидлаш жоизки, статистистика қўмитасида Stat.Doc - электрон ҳужжат айланиши тизими Web платформа асосида ишлаб чиқилганбўлиб, ушбу тизим фойдаланувчиларнинг ўзаро ҳамкорликда ишлашларини тўлиқ

таъминлайди. Ўзидаги хужжатларнинг мазмуни билан рухсати бор ходимларга кириб танишиш имконини беради.

Шунингдек, Stat.Doc тизимининг функционал имкониятларидан келиб чиқсан ҳолда қўшимча узелларни яратиш ва уларнинг трафикларини бошқариш имкониятларини яратиб беради.

Электрон хужжат айланиши тизимнинг имкониятлари қўйидагилардан иборат:

- ташкилот, корхона ва фуқароларнинг мурожаатларини ўз вақтида бажариш бўйича берилган топшириқларни назорат қилиш;
- тайёр бўлган хужжатларни ўз вақтида жўнатиш ва уларни юбориш реестрларини шакллантириш;
- хужжатлардаги ахборотларга кириш хуқуқлари регламентини юритиш;
- электрон маълумотномаларни шакллантириш;
- электрон рақамли имзо асосида ҳимояланган хужжатлар билан ишлаш имкониятини беради.

Корхона ва ташкилотлар статистик ҳисоботларни электрон усулда топширишлари учун:

- интернет тармоғига уланган ва электрон рақамли имзога эга бўлиши керак;
- давлат статистика қўмитасининг hisobot.stat.uz маҳсус сайтси орқали топширилади;
- топширилиши керак бўлган ҳисобот шаклини танлаб олиб у тўлдирилади ва арифметик, мантиқий назоратдан ўтказилади ҳамда ҳисобот жўнатилади;
- ушбу тизим мустақил равища компьютерга ўрнатилган электрон рақамли имзони излайди ва топгандан кейин ҳисоботни имзолайди ҳамда ҳисоботни қўмитанинг серверига жўнатади;
- статистика органлари ходимлари ҳисоботларни маҳсус дастур орқали қабул қилиболади. Уларни текширади, агар хатоликлари бўлмаса қабул қиласи, акс ҳолда хатоларини кўрсатиб, ҳисоботни тўхтатиш учун қайтариб юборади.

Электрон усулда ҳисобот топширишнинг афзалликлари:

- ✓ статистика органларига шахсан ташриф буюрмаслик;
- ✓ статистик ҳисоботларни топширишда вақтнинг тежалиши.
- ✓ тўлдирилган статистик ҳисоботларнинг нусхасини чоп этиб олиш имконияти.
- ✓ статистик ҳисоботлар шаклларининг ўз вақтида ва тезкор янгилаш борилиши.
- ✓ узатилаётган статистик ахборотлар маҳфийлигининг таъминланганлиги (барча ҳисоботлар электрон рақамли имзо орқали жўнатилади).

Хулоса сифатида айтиш керакки, статистика фаолиятида рақамлаштириш технологияларини кенг жорий қилиш ва улар асосида шаффофф, тезкор ва объектив бирламчи статистик маълумотларни йиғищ, қайта ишлаш ва таҳлил

Давлат статистика қўмитаси ҳузуридаги Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институтининг “Ўзбекистон статистика ахборотномаси” илмий электрон журнали. 2021 йил, 1-сон

қилиш масалаларида АҚТ дан кенг фойдаланиш тадбиркорлар билан иш жараёнини масофавий тарзда ҳисоботларни қабул қилиш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Рақамли Ўзбекистон – 2030 стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 5 октябрдаги ПФ-6079-сон фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси давлат бошқарувига рақамли иқтисодиёт, электрон ҳукумат ҳамда ахборот тизимларини жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5598-сон фармони.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг миллий статистика тизимини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4796-сон қарори.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 апрелдаги “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4699-сон қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 апрелдаги “Давлат бошқарувининг очиқлиги ва шаффоғлигини таъминлаш ҳамда мамлакатнинг статистика салоҳиятини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4273-сон қарори.